

## ТАБИЙ ГАЗНИ АБСОРБЦИЯ УСУЛИДА МЕТИЛДИЕТАНОЛАМИН ЁРДАМИДА ТОЗАЛАШ

ассистент,  
**Сатторова Гулноза Тўймуродовна**  
102-20 КТ талабаси Амирова Чехона ёрқин қизи  
Бухоро мұхандислик-технология институте. Бухоро, Ўзбекистон

**Abstract;** Today, energy is one of the rapidly developing areas. We get energy mainly from oil and its processing products. Natural gas is of great importance in meeting the demand for energy sources and having enough energy to supply our cities, industries, agriculture and other sectors today. When using natural gas, it is of course important to clean it from various additives, because the sour gases in the gas are extremely toxic, highly corrosive, and explosive. In this article, we will provide information on the priority directions for cleaning natural gas using the MDEA absorption method.

**Key words:** MDEA, absorption, neutralization, absorber, alkanolamines, monoethanolamine, diethanolamine

**Абстракт:** Сегодня энергетика является одной из быстро развивающихся областей. Мы получаем энергию в основном из нефти и продуктов ее переработки. Природный газ имеет большое значение для удовлетворения спроса на источники энергии и обеспечения достаточного количества энергии для снабжения наших городов, промышленности, сельского хозяйства и других секторов сегодня. При использовании природного газа, конечно, важно очищать его от различных присадок, поскольку сернистые газы, содержащиеся в газе, чрезвычайно токсичны, высококоррозионны и взрывоопасны. В этой статье мы предоставим информацию о приоритетных направлениях очистки природного газа методом абсорбции МДЭА.

**Ключевые слова:** МДЭА, абсорбция, нейтрализация, поглотитель, алканоламины, моноэтиноламин, диэтаноламин.

**Аннотация:** Ҳозирги кунда энергетика жадал ривожланаётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Биз энергияни асосан нефт ва уни қайта ишилаш маҳсулотларидан оламиз. Энергия манбаалари талабини қондириши ва бугунги кунда шаҳарларимизни, саноат тармоқларимизни, қишлоқ хўжалигини ва бошқа соҳаларни таъминлайдиган даражада энергияга эга бўлишимизда таббий газни аҳамияти катта. Табиий газдан фойдаланганимизда албатта улар таркибидаги турли қўшимчалардан тозалаши муҳим аҳамият касб этади, чунки газ таркибидаги нордон газлар ўта заҳарли, кучли емирувчи, портлаш ҳавфли газdir. Уибу мақолада биз табиий газни абсорбция усулида МДЭА ёрдамида тозалашнинг устивор йўналишлари ҳақида маълумотлар берамиз.

**Калит сўзлар:** МДЭА, абсорбция, нейтрализация, абсорбер, алканоламиналар, моноэтиноламин, диэтаноламин

Кам олтингугуртли ва юқори олтингугуртли хом ашё газидан олинган нордон газлар ўта заҳарли, кучли емирувчи, портлаш ҳавфли газдир.

Табиий газни олтингугуртли биримадан тозалаш қурилмасининг тозаланмаган газ сепараторларида хом ашё газдан ажралиб чиқкан, барқарорлашмаган газ конденсати барқарор газ конденсатига хос барча физик-кимёвий хоссаларга эга бўлиб, таркибида водород сульфид мавжудлиги туфайли одамзод учун ҳавфли хисобланади.

**1-жадвалда** кам олтингугуртли ёнувчи табиий газлар таркибий қисмлари келтирган.

Кам олтингугуртли ёнувчи табиий газлар таркибий қисмлари қуйидагича:

№	Конлар номи	Таркиби, ҳажмий %							
		H <sub>2</sub> S	CO <sub>2</sub>	CH <sub>2</sub>	C <sub>2</sub> H <sub>6</sub>	C <sub>3</sub> H <sub>8</sub>	C <sub>4</sub> H <sub>10</sub>	C <sub>3</sub>	N <sub>2+P</sub>
1	Зеварда II	0,06	4,03	89,99	3,92	0,96	0,42	0,2	0,35
2	Зеварда	0,05	4,33	89,27	4,14	1,07	0,45	0,36	0,33
3	Алан	0,04	4,22	90,21	3,72	0,83	0,33	0,28	0,37
4	Кўқдумалок	0,05	4,02	90,26	3,75	0,88	0,38	0,3	0,34
5	Памук	0,05	3,84	90,09	3,93	0,93	0,39	0,3	0,42


**2-жадвалда** бази конлардаги юқори олтингугуртли табиий газ МГҚИЗ киришида таркиби келтирилган

Ўрта-булоқ, Хаузак-Денгизкўл, Шоди конларидаги юқори олтингугуртли табиий газ МГҚИЗ киришида қуйидагича ўртача таркибга эга

№	Намуна олиш жойи	Миқдор, ҳажм. %							
		H <sub>2</sub> S	CO <sub>2</sub>	CH <sub>2</sub>	C <sub>2</sub> H <sub>6</sub>	C <sub>3</sub> H <sub>8</sub>	C <sub>4</sub> H <sub>10</sub>	C <sub>5</sub> H <sub>12+P</sub>	N <sub>2+P</sub>
1		3,20	4,84	89,54	1,80	0,13	0,10	0,14	0,25
2	«LUOK» МЧЖ гази	3,3	4,48	89,51	1,83	0,26	0,14	0,19	0,29

#### Техник метилдиэтаноламин (МДЭА) ТУ 2423-005-11159873-2000

МДЭА, табиий газ таркибидаги нордон компонентлардан тозалаш учун ишлатилади. Молекуляр оғирлиги – 119,2. МДЭА формуласи – C<sub>5</sub>H<sub>11</sub>N(OH)<sub>2</sub> ёки тузилиши бўйича қуйидаги кўринишга эга



МДЭА ГОСТ 12.1.007. бўйича инсон организмига таъсири ҳавфлилик синфи 3 бўлган ёғсимон суюклиkdir. Ўзига хос ҳидли, ранги оч сариқдан тўқ сариқкача ўзгарувчан бўлиб, емириш активлиги ва қўпик ҳосил қилувчанлик хоссалари бўйича аминлардан бири диэтаноламин (ДЭА) билан айнан бир хилдир. Ҳаво билан портлаш ҳавфли бўлган аралашмалар ҳосил қилмайди. МДЭАнинг кўрсатгичлари **3-жадвалда** кўрсатилган

Кўрсатгичлар номи	Ўлчо в бирлиги	ТУ 2423-005- 11159873-2000 бўйича меъёр		Наз оратнинг мажбури йлиги
		Олий нав	Бирин чи нав	
Ташқи кўриниши	-	Механик аралашмалар-сиз тиник		

		суюқлик		
Зичлик, 20 °C хароратда	g/cm <sup>3</sup>	1,036 - 1,042	1,036- 1,042	Талаб бўйича
Метилдиэтанолами н-нинг оғирлик қисми, кам эмас	%	99,0	98,5	Талаб бўйича
Аралашмалар микдори, кўп эмас, шу жумладан:юқори хароратда қайновчилар микдори, кўп эмас	%	1,0	1,5	Тал аб бўйича


Газни водород сульфиддан тозалаш циклик абсорбция усулида олиб борилиб, бунда метилдиэтаноламиннинг 30-40%ли сувли эритмалари водород сульфидни ютувчи сифатида ишлатилади.

МДЭАнинг шу мақсадда кенг ишлатиладиган алканоламинлар, моноэтиноламин ва диэтаноламинга нисбатан афзаликлари қуйидагилардан иборат:


- водород сульфидни CO<sub>2</sub> аралашмасидан ажратишда юқори селективликка (танлаб ажратишга) эга.
- системада айланиб юрувчи эритма кичик ҳажмда бўлади.
- эритма регенерацияси учун сув бугининг солиштирма сарфи кам.
- углеродли пўлатга эритма кам таъсир этади, яъни занглатиш хусусияти кам.
- кўпикланишга мойиллик унча юқори эмас.

Циклик жараён моҳияти шундан иборатки, бунда табий газни водород сульфиддан тозалаш МДЭА эритмаси орқали амалга оширилади, сўнгра эритма регенерация қилинади ва яна у ютиш босқичига (абсорбцияга) қайтарилади.


МДЭАга водород сульфиднинг ва карбонат ангидриднинг абсорбциясида қуйидаги кимёвий реакциялар кузатилади.



2-тenglama карбонат ангидриднинг МДЭА билан ўзаро таъсирининг умумий реакцияси бўлиб, у бикарбонат ҳосил бўлиши босқичидан:



ва нейтраллаш босқичидан иборат:



Маълумки, газ аралашма компонентларининг суюқликларга абсорбция тезлиги шу компонентларнинг икки фаза – газ ва суюқлик аралашмаси тезлиги билан аниқланади.

Бунда, агар H<sub>2</sub>S ва CO<sub>2</sub>нинг газ фазасидаги алмашиниш тезлиги ўзаро

яқин бўлса, уларнинг суюқлиқдаги алмасиниш тезлиги кўпроқ 1- ва 2-кимёвий реакцияларда борадиган абсорбция тезлиги билан аниқланади. Шу сабабли 1- ва 2-реакциялар тезлиги жуда катта бўлишига қарамасдан  $H_2S$  ва  $CO_2$ нинг МДЭА эритма билан умумий абсорбция тезлиги унчалик даражада бўлмаса ҳам,  $H_2S$  нинг тезроқ ютилиши билан фарқланади.

Шу тариқа, ушбу ҳолатда газ таркибида  $CO_2$  қатнашган газдан  $H_2S$ ни танлаб ажратишга эришиш мумкин. Бунда абсорбер шундай ўлчамларга эга бўлиши лозимки, яъни газнинг унда бўлиш вақтини таъминлай олиши, амалий жиҳатдан умумий водород сульфиднинг ютишни таъминлай олиши, карбонат ангидриднинг катта миқдордагисини ажратиб олишга мўлжалланмаган бўлиши керак. Танлаб ютувчи сифатида МДЭА буғининг афзаллиги айниқса,  $H_2S$ нинг  $CO_2$ га нисбати бирдан кам бўлган кам олтингутуртли газларни тозалашда кузатилади

### **Ишлаб чиқариш технологик жараённи ёнғин-портловчилиги ва заҳарлилиги нуқтаи-назардан тавсифи**

Табиий газни водород сульфиддан тозалаш жараёни портлаш-ёниш ҳавфли, заҳарловчи ва емирувчи маҳсулотларни қўллаш билан олиб борилади. булар қўйидагилар ҳисобланади: табиий газ, водород сульфида, амин, кўпик қайтаргичлар, технологик аппарат ва қувурларда юқори босим. Шунинг учун ҳам бу жараён ёнғин чиқиши, портлаши, заҳарлаши, қўйидириши жиҳатидан ўта ҳавфли ҳисобланади.

Курилмани ҳалокатсиз ва ишончли ишлашига, технологик зайлга қатъий амал қилган ҳолда, ҳамма зарурий мансаб, ишлаб-чиқариш, ҳавфсизлик техникаси йўриқномаларига амал қилган, технологик зайлни тўғри бошқарган, ҳамда хизмат қилувчи шахсларни яхши тайёрлаган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу бўлимда келтирилган ёнғин ҳавфсизлиги, ҳавфсизлик техникаси қоидалари, бор бўлган йўриқномаларни ўрнини босиш учун эмас, балки уларни тўлдиришга хизмат қиласи.

### **Жараённи ҳавфсиз бошқаришни асосий қоидалари қўйидагилар саналади:**

1. Курилмадаги ускуналарни ишлатиш бўйича йўриқнома асосида, технологик иш юритиш йўриқномасига қатъий амал қилиш.
2. Ростлаш, назорат-ўлчов асбобларини, блокировкалар ва ҳабарчиларни тўхтовсиз ишлашини таъминлаш.
3. Ёнғинга қарши ҳабарчи ва алоқани, ўт ўчириш ва шахсий ҳимоя воситаларини соз ҳолда сақлаш.
4. Хизмат қилувчиларни сурилма, қувур, аппаратларни жойлашини ва технологик тархни ва уларни вазифаларини ҳамда хизмат кўрсатиш қоидаларини яхши билиш.
5. Курилмадаги аппарат ва ускуналарни ўз вақтида таъмирлаш ва созлигини таъминлаш.
6. Цехни ишлатища пайдо бўлган меъёрдан четга чиқиш, носозлик ва бошқа шу каби камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш.
7. Босим остида ишловчи аппаратларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳавфсизлик қоидаларига тўлиқ амал қилиш.

8. Заҳарли, емирувчи, ёнувчи, портловчи моддалар билан ишлашда ҳавфсизлик қоидаларига амал қилиш.
9. Цехни тұхтатиб ва таъмирлаб бўлиб, ишга қўшишда ҳавфсизлик қоидаларига амал қилиш.
10. Ишлаб чиқариш майдонлари, биноларда ҳавони доимий назорат қилиб туриш, ҳамда саноат оқавалари ва чиқитларни назорат қилиб бориш.
11. Кувурларни ва аппаратларни зичлигини доимий назорат қилиш.
12. Давлат техназорати йўриқнома талаби бўйича олдини олиш учун таъмирлаш (ППР) графигига асосан ускуналар таъмирини ўз вақтида амалга ошириш.
13. Ҳавфсизлик техникаси йўриқномаларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш.
14. Юқори ҳавфга эга бўлган оловли, газ ҳавфли ва таъмирлаш ишларини бажаришда йўриқномага қатъий амал қилиш.
15. Ашё ва моддаларни тўғри сақлаш.
16. Қурилма ҳудудида вақтинчалик ва бир марталик ишларни бажаришда руҳсат олиш тартибига риоя қилиш.
17. Шамоллатиш (вентиляция) қурилмаларини меъёрида ишлатиш.
18. Электр тармоқларидан кучланишни ажратиш тартибини сақлаш.
19. Тасдиқланган тартиб бўйича ёнғин қўриқчиларини ўз вақтида чақириш.

**Технологик жараён ҳавфсизлиги қуйидагилар ҳисобига эришиллади:**

- организмга заҳарли таъсир этувчи ишлаб чиқариш чиқитлари, мойлаш мойлари, реагентлар, ҳом ашёлар билан ишловчиларни очиқдан-очиқ ишлашига йўл қўймаслик;
- технологик жараённи тўлиқ автомат, механизацияшган, масофадан бошқаришни қўллаган ҳолда бошқариш;
- меҳнатни бир хиллиги ва оғирлигини чеклаш мақсадида унумли ишловни ва дам олишни ташкил этиш;

ишлаб чиқаришдаги ҳавфли ва заҳарли факторлар келиб чиқиши ҳақида ўз вақтида маълумот олиш;

ишлаб чиқариш ускуналарини ҳалокатда ажратадиган ва ҳимояни таъминлайдиган жараённи бошқариш ва назорат қилиш системасига эга бўлиш;

– ишлаб чиқаришнинг заҳарли ва ҳавфли факторлари саналган ишлаб чиқариш чиқиндиларини ўз вақтида заарсизлантириш ҳамда четлатиш.

Тозаланган табиий газ нормал шароитда парфин қатори углеводородлар, яъни метан, этан, пропан, бутан каби газлар аралашмасидан иборат.

Тозаланган газ таркибидаги компонентларнинг ўртача ҳажмий фоизи quyidagi-жадвалда келтирилган.

1	C <sub>2</sub>	{	{	C <sub>4</sub>	C <sub>4</sub>	C <sub>5</sub>	C <sub>5</sub>	6+ юқори	2	O <sub>2</sub>	<sub>2</sub> S
3,95	,38	,79	,18	,21	,09	,08	,17	,27	,88	,00	9

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Gulnoza Sattorova, [13.02.2024 14:19]

Sattorova, G. T. (2023). Termoplast polimerlarning reologik xossalari va ularni o'rganish usullari. Science and Education, 4(4), 503-508.

Gulnoza Sattorova, [13.02.2024 14:22]

Rayimov, Z. X. O. G. L., & Hayitov, S. T. O. G. L. (2023). Ikkilamchi polietilentereftalatning mexanik qayta ishslash retsikli. Science and Education, 4(4), 490-494.

Sherzod Raxmatov, [14.02.2024 8:49]

Raxmatov, S. (2023). Synthesis of corrosion inhibitor based on local raw materials. Scientific Collection «InterConf», (142), 431-434.

Sherzod Raxmatov, [14.02.2024 8:49]

Olimov, B. B., & Rakhmatov, S. (2022). SYNTHESIS AND USE OF CORROSION INHIBITORS ON THE BASIS OF DIATOMIC PHENOLS IN THE OIL AND GAS INDUSTRY. In Kimyo va tibbiyot: nazariyadan amaliyatgacha (pp. 141-143).

Sherzod Raxmatov, [14.02.2024 8:49]

Bobir, O., Vokhid, A., Gulnoz, G., & Sherzod, R. (2022). SYNTHESIS AND PROPERTIES OF NITROGEN-RETAINING CORROSION INHIBITORS. Universum: химия и биология, (4-2 (94)), 43-46.

Nigina Institut, [14.02.2024 8:48]

Жамилова Нигинабону Кобил Кизи, Зарипов Мизроб Халим Угли, & Мирзаев Санжар Сайджонович (2017). Изучение процесса регенерации цеолитовой очистки природного газа на УДП "Шуртанснефтгаз". Вопросы науки и образования, (2 (3)), 45-47.

Nigina Institut, [14.02.2024 8:50]

Jamilova Nigina, & Zaripov Mizrob (2023). PRODUCTION OF VINYL ETHERS OF FURFURYL ALCOHOL. Universum: химия и биология, (9-2 (111)), 57-62.

Садирова, С. Н. (2021). Инновационные бимодальные смолы. Universum: технические науки, (11-4 (92)), 74-76.